

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АҚҚИЕВ БОБОМУРОД ТОШПЎЛАТОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ОМЕГА-3 ТЁК
(ОМАКОР)НИНГ ЮРАК РИТМИ ВАРИАБЕЛЛИГИГА ВА
ҚОРИНЧАЛАР АРИТМИЯСИГА ТАЪСИРИ**

14.00.06 – кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Аққиев Бобомурод Тошпўлатович

Миокард инфарктини ўтказган беморларда омега-3 ТЁК (омакор)нинг юрак ритми вариабеллигига ва қоринчалар аритмиясига таъсири..... 3

Аққиев Бобомурод Тошпўлатович

Влияние омега-3 ПНЖК (омакор) на вариабельность сердечного ритма и желудочковых аритмий у больных инфарктом миокарда..... 20

Akkiev Bobomurod Toshpulatovich

The influence of N-3 PUFA on heart rhythm variability and ventricular extrasystoly at patients with myocardial infarction..... 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АҚҚИЕВ БОБОМУРОД ТОШПЎЛАТОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ОМЕГА-3 ТЁК
(ОМАКОР)НИНГ ЮРАК РИТМИ ВАРИАБЕЛЛИГИГА ВА
ҚОРИНЧАЛАР АРИТМИЯСИГА ТАЪСИРИ**

14.00.06 – кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Tib450 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қурбанов Равшанбек Давлетович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

Расмий оппонентлар: **Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**
тиббиёт фанлари доктори

Авезов Давлет Қурбанбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кутубхонасида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси).

Т.А. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий тиббиётда миокард инфарктининг ташхиси ва даволаши борасида эришилган ютуқларга қарамасдан, бу касаллик инсонларнинг ногиронлиги ва ўлим кўрсаткичларининг аввалгидек юқорилигига сабаб бўлиб, шунингдек, юрак ритм бузилишларининг кузатилиши, инфарктдан кейинги стенокардиянинг қайталаниши, касалликнинг такрорланиши ва юқори ўлим ҳолатларига гувоҳлик беради. Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БЖССТ)нинг маълумотларига кўра, «дунёда йилига юрак қон-томир касалликлари туфайли 17,4 миллион киши вафот этиб, шундан 7,4 миллион кишининг ўлими юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ҳисобига тўғри келмоқда»¹. Ривожланган давлатларда кўпгина инсонларнинг эрта вафот этишига юрак ишемик касаллиги оқибатида юзага келган тўсатдан коронар ўлим (ТКЎ) сабаб бўлиб турибди. «Европа давлатлари, АҚШ ва Россия Федерацияси (РФ)да йил давомидаги ТКЎнинг ўртача сони 200-250 минг кишини, бу эса ЮҚТКларидан ўлимнинг 55 % ва умумий ўлимнинг 25 %ни ташкил қилади»².

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида МИни ўтказган беморларни эрта ташхислаш, уларда ТКЎнинг олдини олиш борасида даволаш-профилактика тадбирларининг самарадорлигига эришиш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ТКЎнинг профилактикасида медикаментоз даволаш усулларини мақбуллаштириш, ногиронликни ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ТКЎга олиб келувчи хавфли омилларни баҳолаш; хавфли омилларнинг касаллик клиник кечишига таъсирини аниқлаш; ТКЎнинг кузатилишини башоратлаш; самарадор ва хавфсиз бўлган консерватив даволаш усулларини аниқлаш илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. ТКЎ хавфи мавжуд беморларда даволашнинг самарадорлигини ва хавфизлигини оширишга қаратилган замонавий ёндашувни оптималлаштириш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли истисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизматлар кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли касалланиш даражасини пасайтиришни ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлаш»³ каби вазифалар кўйилган. Шу муносабат билан кардиология соҳасини изчил ривожлантириш, юрак-қон томир касалликлари

¹ World health statistics. World Health Organization. 2015

² Центральная база статистических данных Федеральной службы государственной статистики, 2010 г. (www.gks.ru/dbscripts/Cbsd).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сон Фармони.

сабабли ўлим ҳолати ва ногиронликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида ва бошқа бўғинларига татбиқ қилиш бўйича вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биринчилардан бўлиб Британия физиологи Hugh Sinclair 1956 йилда омега-3 ТЁКлари ЮИКнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини айтган. Омега-3 ТЁКлари инсон организмида ҳосил қилинмасдан балки, керакли миқдор организмга ташқаридан тушиши керак (Sinclair H.M. 1956). Омега-3 ТЁКларининг табиий манбалари: ўсимлик маҳсулотлари - яшил сабзавотлар, соя, кўп миқдорда денгиз ўсимликлари ва балиқ маҳсулотлари (Rizos E.C. 2012). Кейинчалик 1970 йилда Даниялик олимлар ўзларининг эпидемиологик тадқиқот натижаларига кўра, Гренландия аҳолиси ўртасида Данияликларга қараганда ЮИКнинг жуда кам учрашини аниқлашган (Bang H.O., Dyerberg J.1972). Омега-3 ТЁКларининг кардиомиоцитлар мембранасидаги миқдорининг ошиши натижасида умумлашган таъсирлари ҳисобидан ТКЎ кузатилиш эҳтимоллигининг камайишига олиб келади (Harris W.S. 1997). Бу борада бир нечта кейинги текширувларда ТКЎнинг камайишида омега-3 ТЁКларининг ижобий таъсирини аниқлашган. Шулардан, DART текширувида 2000 та миокард инфарктини ўтказган беморларни 2 йил давомида кузатилган ва кўрсатмаларга риоя қилган беморлар орасида ўлим ҳолати 29 %га камайганлиги аниқланган (Burr M.L.1989). 2002 йилда эса йирик тадқиқотлардан бири GISSI-Prevenzione текширувида 11324 та миокард инфарктини ўтказган беморлар жалб қилиниб, тадқиқот натижасига кўра кардиал ўлим хавфи 35 %га, умумий ўлим 20 %га, шу билан бирга, ТКЎ хавфининг 45 %га камайишига эришилган (Gruppo Italiano per lo Studio della Sopravvivenza nell'Infarcto Miocardico.1999).

Мамлакатимиз амалий тиббиётида ҳам изланувчилар томонидан омега-3

ТЁК (омакор)нинг миокард инфарктини ўтказган беморларда қоринчалар экстрасистолияси, юрак ритми вариабеллиги, юрак ритми турбулентлиги, сурункали юрак етишмовчилигининг клиник кечиши, умумий холестерин, триглицеридлар, кичик зичликдаги липопротеидлар ва СРО микдорига ижобий таъсирини аниқлашган (Пирназаров М.М. 2011, Нурбаев Т. А.2012, Абдуллаева С.Я.2014,).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ юрак аритмиялари лабораториясининг ИТИ (ИТСС-17-1) амалий гранти доирасида “Мураккаб юрак аритмияларининг турли клиник шаклларида тўсатдан коронар ўлимнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси мақсадида медикаментоз ва интервенцион муолажалар самарадорлигини ошириш йўллари” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миокарднинг Q-тишчали ўткир инфарктини ўтказган беморларда омега-3 ТЁК (омакор)нинг юрак ритми вариабеллиги ва қоринчалар аритмиясига таъсирига баҳо беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юрак ритми вариабеллиги, QT интервали дисперсияси, юрак ритми турбулентлиги (ЮРТ) ва юрак қоринчаларининг ҳаёт учун хавфли аритмияларининг касаллик клиник кечиши билан ўзаро боғлиқлигини стандарт терапия фонида миокард ўткир инфарктининг 10–14-кунларида ўрганиш;

омакорнинг 3 ойлик терапия фонида ва препарат қабул қилиниши тўхтатилгандан 3 ойдан сўнг юрак ритми вариабеллиги асосий кўрсаткичлари динамикасига таъсирини баҳолаш;

омакорнинг 3 ойлик терапия фонида ва препарат қабул қилиниши тўхтатилгандан 3 ойдан сўнг ҳаёт учун хавфли бўлган қоринчалар аритмияси динамикасига таъсирини баҳолаш;

омакорнинг 3 ойлик терапия фонида ва препарат қабул қилиниши тўхтатилгандан 3 ойдан сўнг QT интервали дисперсияси ва юрак ритми турбулентлиги динамикасига таъсирини баҳолаш;

омакорнинг гиполипидемик, липидлар пероксидланиши ва антиоксидант ҳимоя асосий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида 120 (71,4 %) ва бошқа клиникаларда даволанган 48 (28,6 %) жами 168 та бирламчи Q-тишли МИни ўтказган (29 дан 65 ёшгача) эркак жинсли беморлар танланган.

Тадқиқот предмети сифатида беморларнинг кўриги, анамнез йиғиш, 12 та умумқабул қилинган уланишларда ЭКГ, ЭхоКГ, ХЭКГМ, клиник ва биокимёвий таҳлиллар учун қон намунаси олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажаришда клиник текширув, клиник-биохимиявий лаборатор усуллар, инструментал текширув усуллари ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

3 ой давомида 1 грамм миқдорда омега-3 ТЁКсининг қабул қилиниши Q-тишли МИни ўтказган беморларнинг стандарт терапиясига самарали антиаритмик таъсир кўрсатиши исботланган;

Q-тишли МИни ўтказган беморларда QT интервали дисперсияси ва юрак ритми турбулентлигининг ҚАга боғлиқлиги ва уларнинг динамикасига омега-3 ТЁКларининг таъсири илк маротаба аниқланган;

Q-тишли МИни ўтказган беморларда автоном нерв тизими хужайралари мембранасининг ҳолатини бевосита акс эттирувчи липидлар пероксидланиш кўрсаткичларининг паст ЮРВ билан ўзаро тесқари корреляцион боғлиқлиги, шу билан бирга, липидлар пероксидланишига ва липидлар миқдорининг камайишига омега-3 ТЁКларининг ижобий барқарор таъсири аниқланган;

Q-тишли МИни ўтказган беморларнинг стандарт терапиясига қўшимча кунига 1 грамм миқдор омега-3 ТЁКларининг қабул қилиниши давомида ва қабули тўхтатилгандан сўнг ҳам унинг ЮРВга ижобий таъсири сақланиб қолганлиги исботланган ва шу билан бирга омега-3 ТЁКсининг пасайган ЮРВга танланган юқори ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган текширув Q-тишли МИни ўтказган беморларнинг касалхонадан чиқиш олди даврида комплекс клиник-функционал ва биохимик баҳолаш натижасида хавфли башоратга эга бўлган беморлар гуруҳини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган;

Q-тишчали МИни ўтказган беморларда антиаритмик терапиянинг самарасини ошириш мақсадида омега-3 ТЁКларини тавсия қилиш зарурати асосланган;

омега-3 ТЁКнинг QT интервали дисперсияси ва юрак ритми турбулентлигига ижобий таъсири натижасида миокард электрик ностабиллигининг йўқолиши исботланган;

омега-3 ТЁКларининг мембрана стабилловчи хусусияти унинг липидлар пероксидланиши ва антиоксидант ҳимоя тизими яхшиланиши ҳисобига амалга ошириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишдаги қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғри қўлланилганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш, тадқиқот натижаларининг хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ҳамда чиқарилган хулосаларнинг далилий тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, юрак ритм бузилишида асосий ўринни эгаллаган хужайра мембранасининг ҳолати билан автоном бошқарув тизими ўртасида боғлиқлик аниқланди. Q-тишчали МИни ўтказган беморларда стандарт терапияга қўшимча омега-3 ТЁКларининг юрак ритм бузилишларига таъсири баҳоланди. Омега-3 ТЁКларининг паст ЮРВга танланган яққол

ижобий таъсири аниқланди. Омега-3 ТЁКларининг хужайра мембранаси ҳолатига ижобий таъсири, унинг қабул қилиниши тўхтатилгандан сўнг ҳам узоқ вақт сақланиб қолиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Q-тишчали МИни ўтказган юрак ритм бузилишлари билан асоратланган беморларга омега-3 ТЁКларини тавсия қилишга асос яратилди. Омега-3 ТЁКларининг паст ЮРВга эга Q-тишчали МИни ўтказган беморларда қўлланилиши, уларда тўсатдан коронар ўлим ва бошқа нохуш хавфли ҳолатларнинг сезиларли камайиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МИ ўтказган беморларда омега-3 ТЁК (омакор)нинг юрак ритми вариабеллигига ва қоринчалар аритмиясига таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Q-тишчали миокард инфарктини ўтказган беморларда юрак ритм вариабеллиги ва қоринчалар аритмиясининг динамикаси» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/249-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада ишлаб чиқилган маълумотларнинг жорий этилиши МИдан кейин юқори хавфга эга бўлган беморлар гуруҳида МИ, унинг асоратларининг қайталаниши ва ТКЎ кузатилишининг олдини олиш имконини яратган.

Q-тишчали миокард инфарктини ўтказган беморларда юрак ритми вариабеллиги ва қоринчалар аритмиясининг динамикасига омега-3 ТЁК (омакор)нинг таъсирини ўрганиш орқали олинган тадқиқот натижаларининг тегишли қисмлари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент, Сирдарё вилоятлари кардиология диспансерлари ва 1-сонли шаҳар клиник шифохонасининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/249-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши МИни ўтказган беморларда хавф стратификацияларини оптималлаштириш, даволашни такомиллаштириш, жумладан, омакорни суткасига 1 грамм миқдорда тайинлаш ҳаёт сифат даражасини ошириш, ногиронлик даражасини камайтириш ва мазкур гуруҳ беморларда қайта госпитализациялар сонини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан, 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 1 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан,

3 та асосий боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миокард инфарктининг тарқалиши, касалликнинг клиник кечиши ва прогнозига турли омилларнинг таъсири ҳамда беморларни медикаментоз даволашда мақсадли ёндашув**» деб номланган биринчи бобида диссертацияга тааллуқли халқаро илмий тадқиқотларнинг изчил таҳлили ўтказилган. Ушбу боб 9 та кичик бобдан иборат бўлиб, уларда миокард инфаркти ва ўлим ҳолатлари статистикаси, миокард инфарктининг кечишига турли омиллар таъсири, юрак ритм бузилишларида юрак ритм вариабеллигининг таъсири, QT интервали ва юрак ритми турбулентлиги клиник аҳамияти, омакорнинг клиник аҳамияти ва таъсири бўйича тадқиқотлар маълумотлари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси**» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб клиник кузатувга Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 120 та ва бошқа тиббий муассасаларда даволаниб чиққан 48 та бирламчи Q-тишли МИни ўтказган 29 дан 65 ёшгача бўлган 168 та эркак бемор (ўртача $52 \pm 8,6$ ёшни ташкил қилади) касалликнинг 10 – 14-кунларидан жалб қилинди.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари: бўлмачалар фибрилляцияси, АВ-тугун II – III даражали тўсиғи, артериал гипотензия ҚБ < 90/60 мм.см.уст., 65 ёшдан катта кишилар, буйрак ва жигар етишмовчилиги билан асоратланган сурункали касалликлар, юқори нафас йўллариининг сурункали касалликлари ривожланган нафас етишмовчилиги ва бронхоспазм белгилари билан, қандли диабет декомпенсация босқичи, салбий артериал гипертензия, ўсма касалликлари, бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши оқибатларига эга беморлар тадқиқотга киритилмадилар.

Тадқиқот баённомасига кўра миокард ўткир инфарктини ўтказган беморлар стандарт даво муолажалари фонида касалликнинг 10 – 14-кунларида текширувдан ўтказилди. Булар беморларнинг кўриги, анамнез йиғиш, 12 та умумқабул қилинган уланишларда ЭКГ, ХЭКГМ, ЭхоКГ, клиник ва биокимёвий таҳлиллар учун қон намунаси олишни ўз ичига олади. Бирламчи текширувдан сўнг беморлар 2 гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳ беморлари (асосий гуруҳ, n=86) БАБ, АЎФ ингибиторлари, антиагрегантлар, статинлар (ГМГ – КОА-редуктаза ингибиторлари) стандарт даво препарат-

лари билан бир қаторда омега-3 ТЁК – омакор (Solvay Pharma, Нидерландия) кунига 1 г дан 3 ой давомида қабул қилишди. Назорат гуруҳи беморлари (назорат гуруҳи, n=82) фақатгина стандарт терапия билан даволанди. Текширувнинг иккинчи босқичи терапия бошланганига 3 ой тўлганида ўтказилди. Текширувнинг учинчи босқичи эса касаллик бошланишидан 6 ойдан сўнг ўтказилди. Кузатув иккала гуруҳ беморларида стандарт терапия фониди олиб борилди (яъни, омакорни қабул қилиш тўхтатилгандан 3 ой ўтиб). Барча беморлар ХЭКГМ, ЭхоКГ, лаборатор таҳлиллар ЛПО ва АОТ ҳолати, липидлар миқдорининг текширувлари ўтказилди.

Олинган натижалар статистик ишлови “Pentium IV” компьютериди STATISTICA version 6 “StatSoft” ҳамда Biostat дастурларининг пакетларини қўллаб амалга оширилди. Ўртача арифметик (M), ўртача квадратик (стандарт) оғиш (SD), ўртача арифметик стандарт хатолик (m) ҳисоблаб чиқилди. Фарқлар тафовути t Стъюдента критерийсига асосан белгининг нормал тарқалиш ҳолатида аниқланди. Сифат белгилари орасидаги фарқлар ҳаққонийлигини таҳлил қилиш учун χ^2 мезони қўлланилди. Коррелляция боғлиқликни ўрганиш мақсадида Пирсон бўйича чизикли корреляция коэффециенти (ва тенглик ҳамда тўғри регрессияни ташкил қилиш) ва Спирман бўйича даражали корреляция коэффециентини ҳисоблаш таҳлиллари қўлланилган.

«**Шахсий тадқиқот натижалари**» номли 3-боб 12 та кичик бобдан иборат. Текширилган беморлар клиник-анамнестик маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Беморлар клиник тавсифи

Тавсиф	Беморлар сони (n=168)	
	абс	%
Эркаклар	168	100
Оғрик хуружи бошланиш вақтидан 1 – 6 соат ичида стационарга келганлар	12	7,0
Оғрик хуружи бошланиш вақтидан 6 – 12 соат ичида стационарга келганлар	156	93,0
Анамнезида ГК мавжуд беморлар	110	65,4
ИКЭС	68	40,4
ҚД-2 тип билан оғриган беморлар	32	19,0
Некроз ўчоғининг олд деворда жойлашуви	94	55,9
Некроз ўчоғининг паст деворда жойлашуви	74	44,0
СЮЕ I – II ФС НУНА бўйича	66	39,3
СЮЕ III – IV ФС НУНА бўйича	28	16,6
ЎЮЕ Killip бўйича (I – II)	52	31,0
ЎЮЕ Killip бўйича (III – IV)	28	16,6

Унга кўра 110 (65,4 %) бемор МИ бошланишидан аввал ГК ва 32 (19,0 %) бемор ҚД-2 тип касаллиги билан хасталангани аниқланди. Беморларда МИ ўткир даври ва ундан кейинги кечиши таҳлил қилинганда, 94 (55,9 %) ҳолатда некроз ўчоғининг чап қоринча олд деворида, қолган 74 (44,0 %) беморларда некроз ўчоғининг олд деворда жойлашуви аниқланди.

ҳолатда эса пастки деворида жойлашгани аниқланди. Сурункали юрак етишмовчилиги ПА босқичи клиник белгилари 92 (54,7 %), ПБ босқичи эса 2 (1,1 %) беморда аниқланди. Бунда уларнинг 66 тасида (39,3 %) сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) NYHA бўйича I – II ФС, 28 тасида (16,6 %) эса СЮЕ III – IV ФС клиник белгилари аниқланди. 80 (47,6 %) та беморда касалликнинг ўткир кечиши даврида ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЮЕ) (Killip, синфи II – IV) клиник белгиларининг ривожланиши билан асоратланган.

Рандомизация вақтигача даволашнинг стационар босқичида ишлатилган медикаментоз терапия: тромболитик терапия 12 (7,0 %) беморда қўлланилган, ҳамма беморлар (100 %) антиагрегант ва антикоагулянт препаратларини қабул қилганлар. Ангиотензин ўзгартирувчи фермент (АЎФ) ингибиторлари 156 (92,8 %) ва β -блокаторларга қарши кўрсатмага эга бўлмаган ҳамма беморларга тавсия этилган ($n=162$; 96,4 %). Статин препаратларини 134 (79,7 %) бемор қабул қилган. Кўпроқ III синф (амиадарон) препаратларини қўллаш билан амалга оширилиши зарур бўлган антиаритмик терапия 26 (15,4 %) беморда олиб борилган. Нитрат препаратларини 66 (39,2 %) бемор, диуретикларни эса 64 (38,0 %) бемор қабул қилган.

ХЭКГМ натижаларига кўра 82 (48,8 %) беморда ПХҚЭ аниқланди, улардан 40 (23,8 %) тасида Vigger таснифига кўра соатига >10 дан кўп, 50 тасида (29,7 %) политоп, 48 тасида (28,5 %) жуфт (IVA синф), 24 тасида (14,2 %) гуруҳли (IVБ синф) ва 8 та (4,7 %) беморда эрта ҚЭ аниқланди.

ЭхоКГ текшируви натижаларига кўра, ЧҚОФнинг ўртача қиймати $52,6 \pm 1,16$ %ни ташкил этди, бунда 74 та (44 %) беморда чап қоринча систолик дисфункцияси ва 34 (20,2 %) та беморда чап қоринча аневризмаси аниқланди.

ПХҚЭ мавжуд гуруҳ беморлари билан ПХҚЭ мавжуд бўлмаган гуруҳ беморларининг клиник-анамнестик маълумотлари қийсланганда: ПХҚЭ гуруҳда некроз ўчоғининг олд деворда жойлашуви ($\chi^2=9,63$; $p=0,002$) кўп кузатилди. Бундан ташқари, ПХҚЭ гуруҳида МИнинг кечиши кўп ҳолатларда ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЮЕ)нинг ($\chi^2=5,73$; $p=0,017$) ривожланиши билан асоратланган. С-реактив оксил миқдори ПХҚЭ гуруҳда ишончли юқори ($5,8 \pm 3,3$ мг/л ва $3,6 \pm 1,02$ мг/л 1- ва 2-гуруҳга мос равишда $p < 0,05$) бўлди. ПХҚЭли гуруҳдаги ЧҚОФ ишончли паст ($45,6 \pm 6,9\%$, ПХҚЭсиз гуруҳда эса бу кўрсаткич $57,3 \pm 6,7\%$, $p < 0,05$) бўлгани аниқланди.

Қоринчалар экстрасистолияси (ҚЭ) кузатилиши билан некротик жараённинг олдинги деворда жойлашиши ($r=0,34$; $p=0,002$), ўткир юрак етишмовчилиги ($r=0,26$; $p=0,02$), чап қоринча аневризмаси ($r=0,34$; $p=0,002$), СРО миқдори ($r=0,32$; $p=0,003$) ва чап қоринча систолик функциясининг пасайиши ўртасида ($r=-0,41$; $p=0,0005$) корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Паст ЮРВга ($SDNN \leq 100$ мс) эга бўлган беморлар гуруҳи клиник-анамнестик хусусиятлари ўрганилганда, уларда таққосланувчи гуруҳ ($SDNN > 100$ мс)га нисбатан олдинги деворнинг шикастланиши кўп (70,0 % - 43,2 %, $\chi^2=6,11$; $p=0,013$) кузатилди. Чап қоринча аневризмаси учраши (32,5 % - 9,1 %, $\chi^2=7,11$; $P=0,008$) ишончли фарқланди. ЎЮЕ (60 % - 36,4 %, $p=0,008$)

$\chi^2=4,69$; $p=0,03$) ҳолатда кузатилди. ЧҚОФ $49,7\pm 1,8\%$ - $55,3\pm 1,4\%$; $p<0,05$ ни ташкил қилди. Шу билан бирга СРО миқдорининг статистик ишончли юқорилиги ($8,1\pm 1,0$ мг/л - $5,6\pm 0,6$ мг/л; $p<0,05$) аниқланди.

МИ 10-14-кунларидаги текширув натижаларига кўра, QTdнинг сезиларли узайиши, миокард инфаркти чап қоринча олд деворида жойлашувида (олд $91,5\pm 5,1$ мс ва орқа QTd $71,6\pm 3,1$ мс; $p<0,01$), чап қоринча аневризмасида ($93,8\pm 5,2$ мс ва $78,6\pm 3,3$ мс; $p<0,05$), чап қоринчанинг сезиларли систолик ($97,1\pm 5,8$ мс ва $79,3\pm 3,2$ мс; $p<0,05$) ва диастолик дисфункциясида ($89,8\pm 4,1$ мс ва $77,8\pm 3,4$ мс; $p<0,05$), шу билан бирга паст ЮРВда ($90,6\pm 4,3$ мс ва $79,3\pm 3,1$ мс; $p<0,05$) ҳам кузатилди.

МИ нинг клиник кечиши ва юрак ритми турбулентлиги орасидаги боғлиқлик ўрганилди ва унга кўра, патологик юрак ритми турбулентлиги билан беморлар гуруҳида таққосланувчи гуруҳга нисбатан КД-2 типи ($p<0,01$), ҚЭ III ($p<0,001$), ҚЭ IVA ($p<0,01$) ва ҚЭ IVБ синфлари ($p<0,05$) ишончли кўп кузатилди.

ЮРВ паст беморлар гуруҳида ПХҚЭ ($62,5\%$ - $36,4\%$, $\chi^2=5,73$; $p=0,017$) ва политоп ҚЭ ($42,5\%$ - $18,2\%$, $\chi^2=5,93$; $p=0,015$) ишончли кўп учради.

Миокард инфарктининг 10 – 14-кунларида ЛПО и АОХТ таҳлил кўрсаткичлари мос ёшдаги соғлом инсонлар таҳлил кўрсаткичлари билан таққосланганда МДА 7,3 маротаба ($p=0,01$) юқорилиги, СОД ва каталаза миқдорининг 2,1 маротаба ($p<0,05$) пасайганлиги аниқланди.

Асосий мақсадимизни амалга ошириш учун беморлар 2 гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳ 86 та бемордан иборат бўлиб, улар АЎФ ингибиторлари, β -блокаторлар, статинлар ва антиагрегантларни ўз ичига оловчи стандарт терапияга қўшимча равишда омега-3 ТЁК омакорни (Solvay Pharma, Нидерландия) кунлик доза 1 г миқдорда истеъмол қилувчиларни ташкил этди. Назорат гуруҳини эса ($n=82$) фақатгина стандарт терапия фонида даволанаётганлар ташкил этди. Иккала гуруҳ беморлари барча кўрсаткичлар бўйича таққосланди.

Таққосланувчи гуруҳлар ўртасида бошланғич ЮРВ кўрсаткичлари бўйича фарқлар аниқланмади. Асосий гуруҳдаги SDNN ўртача даражаси $101,1\pm 4,61$ мс, назорат гуруҳдагиси эса $102,5\pm 4,19$ мс ни ташкил қилди ($p>0,05$). SDANN асосий гуруҳда $92,5\pm 3,74$ мс, назорат гуруҳида $92,1\pm 3,86$ мс ($p>0,05$)ни ташкил этди. Парасимпатик тизим фаоллигини тавсифловчи rMSSD ҳам иккала гуруҳда таққосланди, асосий гуруҳда у $26,4\pm 2,2$, назорат гуруҳида $25,8\pm 2,17$ мс ($p>0,05$)ни ташкил қилди.

Даволашнинг 3-ойига келиб омакор қабул қилган беморлар гуруҳида SDNN $23,2\%$ ($p<0,001$), SDANN $26,3\%$ ($p<0,001$), rMSSD $35,4\%$ ($p<0,01$), pNN50% эса $98,8\%$ ($p<0,001$)га ошиши кузатилди. Шу билан бирга спектрал кўрсаткичларнинг ҳам ижобий ишончли ўзгаришлари кузатилди. Интерваллар умумий қуввати кўрсаткичи $37,1\%$ ($p<0,001$) га ошди, ультрапаст частотали диапазон қуввати эса 22% ($p<0,05$)га пасайди, юқори частотали диапазон қуввати эса $1,5$ ($p<0,001$) маротабага ошди. Назорат гуруҳида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди лекин ўзгаришлар ишончли ижобий тавсифга эга бўлмади. Кейинги босқичда омега-3 ТЁК омакор

препаратини қабул қилиш тўхтатилгандан сўнг, динамикада бу кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилган, лекин биринчи 3 ойга нисбатан суств. 6-ойда SDNN кўрсаткичининг бошланғич ҳолатга нисбатан ўсиши асосий гуруҳида 25 %га ва назорат гуруҳида 18,2 %га ошган. rMSSD кўрсаткичи 6-ойда асосий гуруҳида 39 %га ва назорат гуруҳида 42 %га ошган. Интерваллар умумий қуввати кўрсаткичи асосий гуруҳида 44,3 %га ошди, назорат гуруҳида эса ишончли ўсиш кузатилмади.

Биз омега-3 ТЁК омакорнинг турли даражадаги ЮРВга таъсирини ўрганиш мақсадида умумий вариабеллик SDNN кўрсаткичининг динамикадаги ўзгаришини таҳлил этдик. Бу маълумотлар 2-жадвалда кўрсатилган. Бунинг учун беморлар умумий вариабеллик SDNN кўрсаткичининг илк бор аниқланган миқдори бўйича кватрилларга ажратилди ва 3-, 6-ойларда бу кўрсаткичнинг ўзгариши гуруҳлар ўртасида қиёсий таҳлил қилинди.

Асосий гуруҳ беморларида SDNN тақсимланиши юқори кватрилда 3-ойдаги каби 6-ойда ҳам ишончли ўзгаришлар кузатилмади. Омега-3 ТЁКни қабул қилувчи беморлар ичида пасайган SDNN кўрсаткичи заминидида умумий ЮРВнинг ишончли ортиши кузатилди. Кузатишнинг 3-ойи охирида 2-кватрилдаги SDNNнинг ортиши 19,3 % ($p < 0,001$), 3-кватрилда 27,2 % ($p < 0,001$), 4-кватрилда 72,7 % ($p < 0,001$)ни ташкил қилди.

Омега-3 ТЁК омакор бекор қилингандан кейинги даврда ҳам мазкур тенденция сақланди, шунга қарамай, 6-ойга келиб препаратнинг ЮРВга нисбатан таъсири бир оз сусайди. 6-ой босқичидаги умумий ЮРВнинг ортиши бошланғич даражага нисбатан 2-, 3- ва 4-кватрилларга мос равишда 21,9 %, 28,9 % ва 88,4 % ни ташкил қилди ($p < 0,001$ ҳамма кватрилларда).

2-жадвал

Кватрилларда умумий вариабеллик кўрсаткичи SDNNнинг ўтказилган даво муолажалари фонидидаги динамик ўзгаришлари

	Асосий гуруҳ			Назорат гуруҳи		
	Бошланғич	3 ой	6 ой	Бошланғич	3 ой	6 ой
Q1	144,9±4,72	150,9±5,27	106,5±4,27 ^{***^^}	141,1±16,1	137±28,4	103,5±26,2
Q2	110,6±1,10	132±1,27 ^{***&&}	134,8±4,73 ^{***&}	112,3±4,8	114,5±5,3	115,3±7,9
Q3	87,9±0,83	111,8±3,07 ^{***&}	113,3±5,53 ^{***}	91,7±7,3	94,7±7,6	95,3±8,7
Q4	61,9±2,33	106,9±4,88 ^{***&}	116,6±5,83 ^{***&}	73±12,4	78,2±12,6	94,5±7,4 [*]

Изох: * бошланғич кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончилилик даражаси ($*-p < 0,05$; $** - p < 0,001$).

^ 3 ойлик кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончилилик даражаси ($^^ - p < 0,001$)

& назорат гуруҳ кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончилилик даражаси ($&& - p < 0,05$; $&&& - p < 0,01$).

Доимо стандарт терапия фонидида бўлган беморлар гуруҳида аналогик динамика кузатилди, таъкидлаш лозимки, ЮРВ кўрсаткичларининг ишончли ортиши статистик тўғрилиги 4-кватрилда кузатилди, у 29,5 % ни ташкил қилди ($p < 0,05$). Шунинг айтиш лозимки, кузатишнинг 6-ойида асосий гуруҳ беморларида 1-кватрилда умумий ЮРВнинг ишончли пасайиши кузатилди.

Демак, Δ 6-ойда 1-кватрилда 26,5 % ($p < 0,05$) ни ташкил қилди, бошқа гуруҳларда унинг динамикаси статистик ишончли бўлди ($p < 0,05$). Шунга

қарамай, 1-квартилда ЮРВнинг умумий пасайишида унинг ўртача кўрсаткичи нормал қийматлар атрофида сақланиб турди.

Қоринчалар экстрасистолияси (ҚЭ) динамикаси таҳлил қилинганда 3 ой давомида ўтказилган терапия фонида ҚЭ аниқланиши камайган, ишончли ижобий силжишлар омега-3 ТЁК омакор қабул қилган гуруҳдаги беморларда кузатилди. Асосий гуруҳда 3-ойга келиб ПХҚА 34 бемордан 16 тасидагина сақланиб қолди, назорат гуруҳида эса 34 тадан 28 беморда сақланди. Улардан Lown-Wolf таснифи бўйича III синфга киритилган политоп ҚЭ асосий гуруҳда 24 тадан 14 беморда, назорат гуруҳидаги беморлар ичида эса политоп ҚЭнинг янги 6 ҳолати кузатилди. Lown-Wolf таснифи бўйича IVA синфга киритилган ҚЭ асосий гуруҳ беморларининг 18 тасидан 4 тасида, назорат гуруҳида эса 22 тадан 12 та беморда кузатилди, улардаги ҚЭ кузатувнинг бошланғич босқичида аниқланганди. IVБ синфи ҚЭ терапиянинг 3 ойида асосий гуруҳда тўлиқ лимитланди, бироқ назорат гуруҳида у касалхонадан чиқиш олдида диагностика қилинганда 12 тадан 4 та беморда аниқланди. Бошланғич босқичда асосий гуруҳ беморларида аниқланган эртанги ҚЭ 3-ойга келиб кузатилмади. Шунини айтиш лозимки, назорат гуруҳи беморларида кузатишнинг 3-ойи охирида ҳам 2 та эрта ҚЭ ҳолати учради. J.Bigger таснифи бўйича (>10 1 соат ичида) ПХҚА гуруҳига киритилган тез-тез кузатиладиган ҚЭ терапиянинг 3-ойида асосий гуруҳда бутунлай лимитланди (бошланғич босқичда 6 та, 3-ойида кузатилмади). Назорат гуруҳида эса у 10 тадан 8 та беморда сақланиб қолди ва кузатишнинг бошланғич босқичида аниқланди.

Кузатишлар баёнида қайд қилинганидек, кузатишнинг 3-ойидан кейин асосий гуруҳ беморларида омега-3 ТЁК омакор препарати бекор қилинди ва кейинги 3 ой ичидаги иккала гуруҳдаги медикаментоз терапия бир-биридан фарқланмади. Бу терапия фонида ҚЭни кузатилишининг 6-ойидаги динамикаси баҳоланди. ПХҚАнинг кейинги камайишлари кузатилса ҳам, бу динамика кучсиз белгиланган характерга эга бўлди, асосий гуруҳ беморларининг 16 тадан 14 тасида у сақланиб қолди, назорат гуруҳида унинг сезиларли пасайиши кузатилди. Кузатишнинг 3-ойига келиб у 34 тадан 28 беморда сақланган бўлса, кузатишнинг 6-ойида унинг аниқланиши ҳаммаси бўлиб 16 ҳолатни ташкил қилди. Lown-Wolf ва J.Bigger таснифи бўйича унинг динамикаси таҳлил қилинганда III синф ҚЭ бошланғич босқичидагига нисбатан 50 %га камайгани, 3 ойлик муддат билан таққослаганда 14,3 %га камайгани аниқланди. Назорат гуруҳидаги бу динамика кузатишнинг 2- ва 3-босқичларида мос равишда 11,1 % ва 33,3 % ни ташкил этган. IVA синфга кирувчи ҚЭ кузатишнинг 6-ойига келиб асосий гуруҳда 6 ҳолатда кузатилган, улардан 2 беморда бу биринчи марта аниқланган. Назорат гуруҳида 6-ойга келиб IVA синфга кирувчи ҚЭнинг аниқланиши яна 2 та ҳолатга камайган. IVБ ва V синфга кирувчи ҚЭга нисбатан ижобий динамика иккала гуруҳда 6-ойнинг охирида аниқланган. Келтирилган маълумотларга кўра, терапиянинг 3-ойида асосий гуруҳда IVБ ва V синфга кирувчи ҚЭ тўлиқ йўқотилгандан кейинги даврда уларнинг қайталаниши ёки ҚЭ янги ҳолатлари кузатилмади, назорат гуруҳида IVБ синф ҚЭ фақатгина 4 та беморда сақланиб қолди, V синф ҚЭ эса аниқланмади. Кузатишнинг 3-ойига

келиб юрак ритм бузилиши (ЮРБ) оғир шакли МИли беморларда аниқланишининг камайгани кузатилди, бироқ терапиядаги ишончли антиаритмик самара кўшимча равишда омега-3 ТЁК омакорни қабул қилган беморлар гуруҳида кузатилди. Кейинчалик, препарат бекор қилингандан 3 ойдан сўнг, бу самара сақланиб қолди, лекин бир оз кучсизланди. Шунга қарамай, стандарт терапия қабул қилган гуруҳ беморларидан фарқлироқ, ҚЭнинг камайиши аниқ тенденцияси аниқланди.

QT интервали дисперсиясининг 3- ва 6- ойлардаги динамикаси таҳлилига кўра, даволашнинг 3-ойида омакор қабул қилган гуруҳ беморларида QT интервали дисперсиясининг $86,25 \pm 5,6$ мс дан $70,6 \pm 4,0$ мс гача ишончли пасайиши кузатилди ($p < 0,05$), стандарт терапия қабул қилган беморларда эса $85,9 \pm 5,2$ мс дан $76,4 \pm 4,7$ мс гача ишончсиз пасайган. 6- ойга келиб омакор қабул қилганлар гуруҳида бу кўрсаткич нисбатан $73,1 \pm 4,5$ мс гача ошди, стандарт терапия қабул қилган гуруҳда эса бошланғич кўрсаткичга нисбатан $72,5 \pm 3,8$ мс гача ишончли пасайди ($p < 0,05$).

QT интервали дисперсияси динамикаси кватриллардаги таҳлили ўтказилди, унга кўра, 1-кватрилда асосий гуруҳда 25,6 % ва назорат гуруҳида 22,3 % беморларда бошланғич QTd кўрсаткичининг 72,1 мс дан пастлиги аниқланди. 2-кватрилда асосий гуруҳда 25 % ва назорат гуруҳда 34,7 % беморда QTd кўрсаткичи 72,2-80,9 мс ни ташкил қилди. 3-кватрилда асосий гуруҳда 31 % ва назорат гуруҳида 27,8 % беморда QTd кўрсаткичи 81 дан 90,5 мс гача бўлган ораликни ташкил қилди. Ва охириги 4-кватрилда асосий гуруҳда 18,9 % ва назорат гуруҳида 15,2 % беморда QTd кўрсаткичи 90,6 мс дан юқори бўлди. 3 ойдан кейин юқори QTd кўрсаткичи билан беморлар сонининг ишончли пасайиши омакор қабул қилган беморлар гуруҳида кузатилди. Бунда беморлар сони 3-кватрилда 2,5 маротаба, 4-кватрилда 3 маротаба камайди, шу билан бирга 1- ва 2- кватрилда мос равишда 1,5 ва 1,7 маротаба ошиши кузатилди. Кузатувнинг 6-ойида ҳам бу ўзгаришлар сақланиб қолди, лекин омакор қабули тўхтатилгандан сўнг бу ўзгаришлар яққол кўринишга эга бўлмади. 4- кватрилда беморлар сони ўзгаришсиз сақланиб қолди, 3- кватрилда эса беморлар сони 10,8 % ташкил қилди. 1- ва 3-кватрил беморларининг 2-кватрилга ўтиши ҳисобидан бу кватрилда беморлар сонининг нисбий ошиши кузатилди. Назорат гуруҳида ҳам юқори QTd кўрсаткичи билан беморлар сонининг камайиши ҳисобига ижобий ўзгаришлар кузатилди, лекин бу ўзгаришлар ишончсиз характерга эга бўлди.

Патологик юрак ритми турбулентлиги (ЮРТ) динамикаси таҳлилига кўра, таққосланувчи гуруҳларда патологик ЮРТ билан беморлар сони 1-гуруҳда 21 та, 2-гуруҳда 18 та беморни ташкил қилди. Даволанишнинг 3-ойида патологик ЮРТ 1-гуруҳда 5 (23,8 %) ($p < 0,001$) ва 2-гуруҳда 12 (66,7 %) ($p < 0,05$) беморда сақланиб қолди. Кейинчалик кузатувнинг 6-ойида эса сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Шу билан бирга омакор қабул қилган гуруҳда янги 3 та патологик ЮРТ билан беморлар кўшилди ва беморлар сони 8 (38,1 %) ($p < 0,001$)тани ташкил қилди. Стандарт терапия билан даволанган гуруҳда беморлар сони 10 (55,6 %) ($p < 0,01$)ни ташкил қилди.

Терапиянинг 3-ойи охирида иккала гуруҳда ЛПО фаоллигининг пасайиши ва АОХТ ферментлари миқдорининг ошиши кузатилди. Натижалар 3-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳ беморларида 3-ой охирида МДАнинг пасайиши кузатилди: $34,63 \pm 1,82$ дан $22,16 \pm 1,27$ гача ($p < 0,001$), назорат гуруҳида эса $32,04 \pm 1,55$ дан $25,14 \pm 1,22$ гача ($p < 0,01$). ДК ҳам 3-ойга келиб асосий гуруҳда мос равишда $2,12 \pm 0,08$ дан $1,46 \pm 0,06$ гача пасайди, назорат гуруҳида эса $2,03 \pm 0,07$ дан $1,63 \pm 0,08$ гача ($p < 0,001$) пасайди. АОХТ ферментлари томонидан аниқ ижобий силжишлар иккала гуруҳда ҳам кузатилган. Терапиянинг 3-ойига келиб СОДнинг даражаси асосий гуруҳда 42,0 %га ($p < 0,001$), назорат гуруҳида 39,0 %гача ($p < 0,001$) ортди. Каталазанинг миқдори ҳам асосий ва назорат гуруҳларда мос равишда 29,8 % ва 39,0 %га ортди ва 6 ойгача бу тенденция сақланиб қолди. Асосий гуруҳда МДА 52,4 %га, ДК 55,7 %га пасайган ($p < 0,001$). Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар бошланғич кўрсаткичга нисбатан мос равишда 34,2 %, 60,1 %га пасайган ($p < 0,001$). Асосий гуруҳда бошланғич кўрсаткичларга нисбатан СОД ва каталазанинг миқдори 82,3 % ва 62,1 % ($p < 0,001$) ортган, назорат гуруҳида $\Delta\%$ мос равишда 61,3 % ва 49,0 %ни ташкил қилди ($p < 0,001$). Омега-3 ТЁК омакор қабул қилган беморлар гуруҳида янада аниқроқ антиоксидант самара кузатилди. Бундан ташқари, омега-3 ТЁК омакорнинг антиоксидант самараси у бекор қилингандан 3 ойдан кейин ҳам сақланиб қолди.

3-жадвал

Ўтказилган терапия фониди ЛПО ва АОХТ ферментларининг динамикаси ($M \pm SD$)

	Асосий гуруҳ беморлари (n=37)			Назорат гуруҳи беморлари (n=36)		
	МИ 10 – 14- кунлари	МИ 3 ойдан кейин	МИ 6 ойдан кейин	МИ 10 – 14- кунлари	МИ 3 ойдан кейин	МИ 6 ойдан кейин
МДА нмоль/мл плаз.	$34,63 \pm 1,82$	$22,16 \pm 1,27^{***}$	$16,5 \pm 0,90^{***\wedge\&}$	$32,04 \pm 1,55$	$25,14 \pm 1,22^{**}$	$21,07 \pm 0,83^{***\wedge}$
ДК бир/мл	$2,12 \pm 0,08$	$1,46 \pm 0,06^{***}$	$0,94 \pm 0,07^{***\wedge\wedge}$	$2,03 \pm 0,07$	$1,63 \pm 0,08^{***}$	$0,81 \pm 0,06^{***\wedge\wedge}$
СОД бир/мл	$10,85 \pm 0,72$	$15,41 \pm 0,54^{***}$	$19,78 \pm 0,43^{***\wedge\wedge}$	$11,9 \pm 0,95$	$16,6 \pm 0,73^{***}$	$19,28 \pm 0,55^{***\wedge\wedge}$
Каталаза моль/л	$8,03 \pm 0,53$	$10,4 \pm 0,51^{**\&}$	$13,02 \pm 0,62^{***\wedge\wedge}$	$8,64 \pm 0,50$	$12,08 \pm 0,73^{***}$	$12,8 \pm 0,47^{***}$

Изох: * бошланғич кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончлилиги даражаси (*- $p < 0,05$; **- $p < 0,001$).

\wedge -3 ойлик кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончлилиги даражаси (\wedge - $p < 0,05$; $\wedge\wedge$ - $p < 0,01$; $\wedge\wedge\wedge$ - $p < 0,001$).

$\&$ -назорат гуруҳ кўрсаткичларга нисбатан фарқланишнинг ишончлилиги даражаси ($\&$ - $P < 0,05$; $\&\&$ - $p < 0,01$; $\&\&\&$ - $p < 0,001$).

Кузатишнинг 3-ойига келиб асосий гуруҳда УХС, ПЗЛП, ТГ, ЖПЗЛП даражаларининг ишончли пасайиши ва ЮЗЛПнинг ишончли ортиши, назорат гуруҳида эса фақатгина УХС, ПЗЛП ишончли пасайиши кузатилган. Асосий гуруҳда УХС $198,7 \pm 6,52$ дан $180,6 \pm 5,31$ мг/дл гача ($p < 0,05$), назорат гуруҳида эса $201,4 \pm 8,27$ дан $181,8 \pm 4,72$ мг/дл гача ($p < 0,05$) пасайди. ТГ нинг даражаси 3-ой охирига келиб асосий гуруҳда $220,19 \pm 18,18$ дан $164,4 \pm 15,44$ мг/дл гача ($p < 0,05$), назорат гуруҳида $203,3 \pm 18,80$ дан $163,1 \pm 13,53$ мг/дл гача ($p > 0,05$) пасайди. ЖПЗЛП асосий гуруҳда $44,04 \pm 3,77$ дан $32,88 \pm 3,09$ мг/дл

($p < 0,05$) гача, назорат гуруҳида $40,66 \pm 3,76$ дан $32,63 \pm 2,71$ мг/дл ($p > 0,05$) гача пасайган. ПЗЛПнинг миқдори эса 3-ойга келиб иккала гуруҳда ҳам ишончли пасайган, яъни асосий гуруҳ $120,24 \pm 6,04$ дан $105,4 \pm 4,41$ мг/дл гача, назорат гуруҳида $124,9 \pm 7,01$ дан $107,3 \pm 4,82$ мг/дл гача. ЮЗЛП даражаси асосий гуруҳда $34,42 \pm 1,12$ дан $38,32 \pm 1,03$ мг/дл гача ишончли ($p < 0,05$), назорат гуруҳида эса у $35,8 \pm 1,30$ дан $36,5 \pm 1,12$ мг/дл гача ишончсиз ($p > 0,05$) ошди.

Атерогенлик коэффициенти 3-ойга келиб асосий гуруҳда ишончли $5,05 \pm 0,32$ дан $4,18 \pm 0,21$ гача ($p < 0,05$), назорат гуруҳида эса ишончсиз $4,83 \pm 0,28$ дан $4,59 \pm 0,23$ гача ($p > 0,05$) пасайиши кузатилди. Биз кузатишнинг 6-ойга келиб иккала гуруҳда ҳам УХС, ТГ, ЖПЗЛП, ПЗЛП, атероген коэффициентнинг ишончли ($p < 0,05$) пасайиши ва ЮЗЛПнинг ишончли ($p < 0,05$) ортишини аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Q-тишли миокард инфарктини ўтказган ва потенциал хавфли қоринчалар экстрасистолияси мавжуд бўлган беморларда чап қоринчанинг дезадаптив ремодуляцияси аниқланади. ЧҚ морфо-функционал ҳолати билан миокард электрик ностабиллиги кўрсаткичлари ўртасида аниқланган мазкур боғлиқлик бу предикторларнинг юрак структуравий қайта шаклланишида иштирок этишидан гувоҳлик беради. Бу эса ТКЎ хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳини ажратиб олишга имкон беради.

2. Миокард инфарктининг 14-кунида умумий вегетатив фаолликнинг пасайиши қайд қилинди. Вегетатив нерв тизими дисфункцияси - симпатик фаолликнинг сезиларли ошиши ва парасимпатик фаолликнинг пасайиши билан намоён бўлди ва унинг энг юқори намоён бўлган дисбаланси потенциал хавфли қоринчалар экстрасистолияси мавжуд беморларда қайд этилди. Симпатик нерв тизими фаолияти устунлигини кўрсатувчи юрак ритми вариабеллиги кўрсаткичлари билан қоринчалар экстрасистолиясининг кузатилиши ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди.

3. Миокард инфарктининг ўткир ости даврида тўсатдан коронар ўлимнинг янги ва илгари маълум бўлмаган белгилари аниқланди, QT интервалининг узайиши ва патологик юрак ритми турбулентлиги уларнинг энг муҳимлари бўлиб ҳисобланади. ТКЎнинг аниқланган предикторлари билан симпатик нерв тизими устунлиги орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди. Унинг кучи потенциал қоринчалар экстрасистолиясига боғлиқ ҳолда ошди.

4. Q тишли миокард инфаркти билан беморларнинг стандарт терапиясига қўшимча омега -3 ТЁКнинг узоқ муддатли қўлланилиши асосий антиаритмик терапиянинг таъсирини кучайтиради, шу билан бирга ЭКГдаги ишемик ўзгаришлар ва қоринчалар экстрасистолиясининг барча даражаларини камайтиради. Қўлланилган даволаш ўрганилаётган тўсатдан коронар ўлим маркёрларининг динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. Миокард инфарктининг терапиясига омега-3 ТЁКнинг қўшилиши триглицеридлар ва кичик зичликдаги липопротеидлар миқдорининг мақсадли даражагача камайишига олиб келади.

5. Q тишли миокард инфарктининг стандарт терапияси билан бирга 3 ой давомида суткасига 1 грамм миқдор омега-3 ТЁКнинг қўлланилиши антиоксидант ҳимоя тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, СОД – 42 %, каталаза - 29,8 %га ва эркин радикаллар ҳамда яллиғланиш маркёрлари фаоллигининг ишончли камайишига олиб келади.

6. Миокард инфарктини ўтказган беморларда омега-3 ТЁКлари ёрдамида QT интервали дисперсиясининг камайиши ва юрак ритми турбулентлиги кўрсаткичининг яхшиланиши, уларни тавсия қилиш шарт эканлигини кўрсатади, бироқ кузатувнинг 6-ойида улар таъсирининг камайиши эса омега-3 ТЁКларини узоқ муддат қабул қилиш лозимлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР КАРДИОЛОГИИ**

АККИЕВ БОБОМУРОД ТОШПУЛАТОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ОМЕГА-3 ПНЖК (ОМАКОР) НА ВАРИАБЕЛЬНОСТЬ
СЕРДЕЧНОГО РИТМА И ЖЕЛУДОЧКОВОЙ АРИТМИИ У
БОЛЬНЫХ ИНФАРКТОМ МИОКАРДА**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (PhD) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020 год

Тема докторской (PhD) диссертации по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2018.1.PhD/Tib450

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Қурбанов Равшанбек Давлетович
доктор медицинских наук, профессор,
член АН Республики Узбекистан, академик

Официальные оппоненты:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
доктор медицинских наук

Авезов Давлет Курбанбаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

**Республиканский научный центр экстренной
медицинской помощи**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.26.04.2018.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре Кардиологии (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./факс (99871)234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра Кардиологии (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./Факс: (99871) 234-16-67).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2020 года.)

Т.А. Абдуллаев
председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Г.У. Муллабаева
ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук

А.Б.Шек
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Несмотря на значительные успехи современной медицинской науки в диагностике и лечении инфаркта миокарда (ИМ), эта патология по-прежнему занимает ведущие позиции в структуре заболеваемости, инвалидизации и смертности взрослого населения, о чем свидетельствует статистика развития нарушений ритма сердца, частота развития постинфарктной стенокардии, случаи повторного инфаркта миокарда и высокий уровень смертности. По данным Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) «ежегодно во всем мире 17,4 миллионов людей умирают от сердечно-сосудистых заболеваний, из них 7,4 миллионов приходится на счёт ишемической болезни сердца (ИБС)»¹. В развитых странах причиной преждевременной смерти множества людей является внезапная сердечная смерть (ВСС) в результате ишемической болезни сердца. «В странах Европы, США и Российской Федерации (РФ) в среднем в течение года ВСС уносит жизни 200-250 тыс. человек, что составляет 55% от всех смертей в результате ССЗ и 25% от общего числа смертности»².

В мире проводится ряд научных исследований, посвященных ранней диагностике ИМ, профилактике ВСС и достижению высокой эффективности лечебно-профилактических мероприятий у данной категории больных. Оптимизация медикаментозной терапии в профилактике ВСС, снижение показателей инвалидности и смертности имеет важное значение. В связи с этим такие задачи, как оценка риск факторов ВСС, определение влияния риск факторов на клиническое течение заболевания, прогнозирование ВСС, определение эффективного и безопасного консервативного лечения являются основными направлениями научных исследований. Оптимизация современного подхода в усилении безопасности и эффективности медикаментозного лечения у больных с высоким риском ВСС является одной из актуальных задач перед специалистами этой сферы.

В нашей стране реализуются широкомасштабные меры по указанию качественной специализированной кардиологической помощи населению и внедрению высокотехнологических методов лечения в практическое здравоохранение. В Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы поставлены следующие задачи: «улучшение качества оказания медицинской помощи, социально – медицинских услуг, обеспечение снижения заболеваемости населения и увеличение продолжительности жизни»³. В этой связи задача по разработке мер профилактики сердечно – сосудистой смертности и инвалидизации и их внедрение в условиях первичного звена здравоохранения и других звеньях представляется весьма актуальной.

Данная диссертационная работа в определенной степени соответствует

¹ World health statistics. World Health Organization. 2015

² Центральная база статистических данных Федеральной службы государственной статистики, 2010 г. (www.gks.ru/dbscripts/Cbsd).

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

